

**АШТАР** — (арабча — айбли иш килган) мафойлун (V---) солим  
рукнининг «шатар» (айбли иш килиш) зихофига йўликиши окибатида пайдо бўлган  
тармок рукн (чизмаси: — V —; ўкилиши «фоилун»). «Аштар» тармок рукни мумтоз  
шеъриятда газал, рубоий, касида ва китъа вазнлари таркибида учрайди. Масалан:  
Фас-ли нав- / ба-хо-р ўл-ди / ке-ти-бон / зи-мис-тон-лар,  
— V — / V — — — / — V — / V — — —  
Дўс-т-лар, / га-ни-мат-дур, / сай-р э-тинг / гу-лис-тон-лар.  
— V — / V — — — / — V — / V — — —  
Фуркат газалидан олинган ушбу байтнинг садр, ибтидоъ ва иккинчи хашвлари  
«фоилун», яъни «мафойлун»нинг «аштар» тармогидан иборатлиги туфайли унинг  
вазни хазажи мусаммани аштари солим деб аталади.